

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Ғ. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.Муминов, У.Муминов

$S_p(3, C)$ группасининг полиномиал инвариантлари 6

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Ф.Байчаев

Кон-металлургия саноати тизими бўлажак мутахассислари учун физикадан касбий йўналтирилган масалаларни шакллантириш 11

Х.Мамаризаев, Э.Исақов

Фарғона вилояти пенсия ёшидаги аҳоли ўлимининг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш тенденцияси 16

КИМЁ

И.Аскарлов, М.Муминжонов, М.Абдуллаев

Коврак (*ferula*) ўсимлигининг чиқиндисидан олинадиган айрим доривор бирикмалар 22

Б.Зокиров

Helianthus tuberosus илдиз меваси таркибидаги эркин моносахаридларни аниқлаш ва ажратиб олиш 27

Н.Тўлаков, И.Асқаров

l-(2`-карбокCIFерроценил) бензой кислота синтези 33

Д.Каримова, В.Хужаев

Косметик воситалар таркибидаги метилпарабенни юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида аниқлаш 38

И.Асқаров, Х.Исақов, Ҳ.Жамолова

Пиёзнинг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари 44

И.Асқаров, Н.Тухтабоев, Н.Юлчиева

Амарант таркибидаги пигментлар ва уларни озик-овқат саноатида қўллаш истиқболлари 49

А.Махсумов, Б.Исмаилов

Синтезы пропаргилового эфира 1-фенил азонаптола-2 и его производных 54

И.Асқаров, А.Йўлчиев, К.Джамолов, Ф.Эргашев,

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг энергия тежамкор технологиялари 58

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ш.Аббосова

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида инсон омилининг ошиб бориши 64

И.Сиддиқов

Ислол фалсафасида аёлларнинг илм олишига муносабат ва унинг гендер жиҳатлари 69

ИСЛОМ ФАЛСАФАСИДА АЁЛЛАРНИНГ ИЛМ ОЛИШИГА МУНОСАБАТ ВА УНИНГ ГЕНДЕР ЖИХАТЛАРИ

ОТНОШЕНИЕ К ОБУЧЕНИЮ ЖЕНЩИН В ИСЛАМСКОЙ ФИЛОСОФИИ И ЕЕ ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ

THE ATTITUDE TO THE EDUCATION OF WOMEN IN ISLAMIC PHILOSOPHY AND ITS GENDER ASPECTS

Сиддиқов Илёсжон Бахромович¹,

¹Сиддиқов Илёсжон Бахромович,

– Фарғона давлат университети, фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада ислом дини ва фалсафасида мусулмон кишининг илми бўлиши, унинг фазилатлари, хусусан аёлларнинг билими бўлиши ўз фарзанди ва жамиятнинг маърифий юксалишига таъсири, мазкур жараённинг гендер хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируется вопрос об обучении мусульманина в исламской религии и философии, его качества, в частности, влияние обучения женщин на воспитание детей и просвещение общества. Также освещены гендерные свойства данного вопроса.

Annotation

The article analyzes the matter of a Muslim person's education in Islam religion and philosophy, its features, in particular, the influence of educated women on children upbringing and the rise of enlightenment of the society. The gender features of this process are also enlightened.

Таянч сўз ва иборалар: дин, ислом, ислом фалсафаси, илм, фан, аёл, гендер.

Ключевые слова и выражения: религия, ислам, исламская философия, образование, наука, женщина, гендер.

Keywords and expressions: religion, Islam, Islamic philosophy, education, science, woman, gender.

Ислом динида аёлнинг шаъни, кадр-қиммати юксак даражага кўтарилди. Қуръони Каримнинг 35 та сура ва 100 та дан ортиқ оятида “аёл” сўзининг ишлатилиши ва суралардан бирининг айнан “Нисо”, яъни “Аёллар” деб номланиши ва унда аёлнинг мавқеи, ҳаётдаги ўрни, ҳақ-ҳуқуқларининг батафсил баён этилиши аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин мисолидир. Ислом дини аёлга тўлақонли инсон сифатида қараш масаласини ўртага қўяди. Шунингдек, аёл киши эркак кишидек ҳақ-ҳуқуққа эга эканлигини эълон қилади. Қуръони Карим мусулмонларни илмга чақириш билан бирга, Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни доимо илмга тарғиб қилганлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг фикрича, “ҳар бир инсоннинг олий мақсади – жаннат. Унга эришиш учун инсон ҳар бир нарсага, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр туради. Илм талаб қилиш эса жаннат йўлига тушишнинг боши экан... Ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган

илмдан мурод барча фойдали илмлар бўлиб, уларга қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар албатта эришадилар”[1;66-67]. Исломда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешиқдан то қабргача фарз қилинган. Демак, ислом дини илм олишда аёлларга эркаклардек тенг ҳуқуқ ва имкониятни яратиб берган.

Оллоҳ таолонинг каломида бир неча илм талаб қилишга тарғиб оятлар бор. Уларда илм талаб қилиш фақатгина эркакларга хосланмаган, балки мусулмонларнинг эркак аёлига тегишлидир. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам ҳам илм талаби ҳақида айтган ҳадисларида бу фақатгина эркакларга хос дея таъкидламаганлар. “Илм талаби ҳар бир мусулмон учун фарздир”, дейилади Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда. Ушбу саҳиҳ ҳадисда бир неча манфаатлар бор бўлиб, улардан бизнинг мавзумизга тегишлиси эса,

матндаги “муслим”, яъни, “муслмон” лафзидирх[2].

Муслмон лафзи ҳам эркак ва ҳам аёлга ишлатилади. Уламоларимиз қиз болалар ва аёллар учун зарурий илмлар ўқиши фарз эканига иттифоқ қилишган. Айниқса, аёлларга хос бўлган ишлар, масалан, туғруқхона, аёлларнинг хос кийимлари савдоси, аёлларга доир турли даволаш ишлари аёллар бўлмаса, имконсиз. Бу илмларни аёллар ўқиб-ўрганиши эса турли ихтилофларга муносиб ечим бўлади. Аммо бунга бир неча шартлар ҳам мавжуд. Масалан, эркаклар билан ёлғиз қолмаслиги, улар билан ҳожатсиз яқин муносабатларда бўлмаслик ва ҳоказо. Яъни қизларимиз ва аёлларимиз илм олишлари жоиз, аммо улар бу ўқишлар сабабли ҳар хил зино ва унга чақирувчи ва келажакда ҳаётини издан чиқарадиган ҳолатлардан ўта эҳтиёт бўлишлари лозим. Зеро, Абул Ҳасан Мовардийнинг “Дунё ва дин одоби” китобида иштиёқмандлар қизиқадиган нарсанинг энг шарафлиси, изловчилар қаттиқ жидду жаҳд ила интиладиган нарсанинг энг афзали ҳамда инсон қўлга киритадигани ва ҳосил қиладиган нарсаларнинг фойдалиси илмдир. Чунки илм шарифи ўз эгасига фойда келтиради, унинг фазилати илм олувчи даражасини кўтаради[3.36]. Илм фазилатини фақат жоҳилларгина англамас. Чунки бу фазилат илм туфайли билинади.

Ғарбда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги (феминизм) учун олиб борилган узоқ курашлар аёлларга бахт-саодат, хуррият, оилавий фароғат ўрнига чексиз кулфат, бахтиқаролик, оналик саодатидан мосуволик ва ҳўрлик олиб келганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бир вақтлар асосий вазифаси уй-рўзғор ишлари-ю фарзанд тарбияси ва эрларини бахтиёр қилишдан иборат бўлган аёллар ҳозирги замонда жамиятнинг, оиланинг барча ташвиш ва муаммоларига эрлари билан баравар масъул, жавобгар бўлиб қолишди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини ҳар қадамда ҳис этиб турган болалар оналари бутунлай ўзларини жамоат ишига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгилчан бўлиб улғайишар экан. АҚШда қамалганларнинг ярмидан кўпи она меҳрига тўймаган ёшлар

бўлган. Бугунги оналар учун бола тарбияси жамият ва рўзғор юмушлари олдида аҳамиятсиз нарса бўлиб қолмоқда. Аёлларга ҳар қанча ҳуқуқ берилмасин, улар қанчалик юксак мақомларга эришмасинлар, агар болаларига яхши тарбия бермасалар, уларга ўзини, миллатини, динини, ватанини танитмасалар ва севдирмасалар, оналик, аёллик ҳаққини адо этмаган бўлишади. Зеро, Ислом олимларидан бири айтганидай, «Авлодларни вояга етказиш ва муносиб инсон қилиб тарбиялаш мақсад қилиб олинмаган никоҳ шунчаки бир айш-ишрат ва маишатдан бўлак нарса эмас. Бу никоҳдан келган болалар ҳам оний ўткинчи ҳирснинг қурбони бўлган бечоралардир».

Ғарб мутахассислари ва аёллар хуррияти тарафдорлари таъна қиладиганларидай, Ислом аёлларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишдан ҳеч қачон чекламаган. Ҳудайбия сулҳида мўминлар онаси, Расулulloҳнинг завжаи мутоҳҳаралари Умму Салама давлат бошлиғининг бош маслаҳатчисига тенг вазифани бажарганлар.

Муслмон ўлкаларида муслималарнинг жамиятда юқори ўринларни эгаллаб, ҳатто давлат ва ҳукуматга бошчилик қилганлари ва қиладиганлари ҳақида мисоллар кўп. Аёллардан машҳур олималар, саркардалар, сиёсатдонлар, бошқарув идоралари раҳбарлари етишиб чиқмоқда. Ислом динининг бағрикенглик тамойилини қуйидаги ёндашувдан кўришимиз мумкин: Абу Зарр розияллоҳу анҳунинг олдида бир одам келиб, “Мен илм ўрганишни хоҳлайман, лекин олган илмимга амал қилмай, уни зое қилиб қўйишдан қўрқаман”, деди. Абу Зарр розияллоҳу анҳу унга: “Жоҳил бўлиб юрганингдан илмли бўлишиг яхшироқ”, деб жавоб бердилар[4.142]. Умуман олганда, ўрта асрлар ислом олами илм олишга кучли эҳтиёж сезган ва ўша даврда ислом дини эҳтиёжни ўзининг илмга рағбати, ундови билан таъминлаб берган.

Ислом аёлларнинг билим олишларига тўғаноқ бўлади, деган тухматларнинг ҳам умри қисқа бўлиб чиқди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) покиза завжалари Ҳазрати Оишанинг (р.а.) Ислом оламидаги энг улўғ фикҳ ва ҳадис олимаси бўлганларининг ўзиёқ ана шу иғво-уйдирмаларни пардай тўзғитиб юборади. Мўминлар онаси Оиша

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

Расулulloҳдан (с.а.в.) жами 2610 ҳадис ривоят қилиб, бу борада олдингилардан бўлганлар. Шогирдлари Урва ибн Зубайрнинг эътирофича, Қуръон, ҳадис, фикҳ, ҳалол-ҳаром, араб тарихи ва насабшунослик, адабиёт каби соҳаларда бу зотга тенг келадиган олим бўлмаган. Ҳазрати Оишанинг аёллардан саксон саккиз шогирдлари бўлган. Расули акрамнинг яна бир завжалари Умму Салама эса ўттиз икки нафар машхур муҳаддис аёлни етиштирганлар. Машхур фақиҳа ва муҳаддисалардан Робиъа бинти Муаввад, Умму Атиййа, Умра бинти Абдурахмон, Умму Саламанинг қизлари Зайнаб, Умму Абуд-Дардо, Фотима бинти Қайс каби ўнлаб олималарнинг номлари Ислом оламида маълуми машхур бўлган. Саййида Нафиса Имом Шофеъийдек улўғ олим ва мазҳабшошига устозлик қилган.

Ислом дини оғир, сермеҳнат ишларни эркакларга фарз қилган. Лекин мактаб, шифохона, туғруқхона, чеварлик корхоналарида аёлларга тегишли баъзи ишлар борки, уларда ишлаш билан аёллар эрлар қатори савобга эришишади. Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан Ибн Обидин шундай деган: «Шуни билиш фойдалики, қайси бир иш аёлни эрнинг ҳаққини адо этишдан чекласа, бу хил ишлар ман қилиниши керак. Аммо зарар келтирмайдиган ишни ман этишда маъно йўқ. Шунингдек, бу иш доялик, тикувчилик, муаллималик, тарбиячилик каби фарзи кифоялардан бўлса, буни ҳам ман этиш тўғри эмас»[5;91].

Аёл, эркак азалдан бир танадан, бир руҳдан яратилган, демакким аёл ҳам эркак сингари бир хил ҳақ-ҳуқуққа тенг ва

эгадир. Муқаддас Китобларда ҳам аёл ва эркак бир хил тенг ҳуқуқлиги очикдан-очик қайта-қайта тақорланиб келинганлигини кўп ўқиганмиз. Гендер тенглик – бу, азалдан бор ва бўлган ғоя ҳисобланади. Эркакдаги бор куч-қувват, матонат, сабр ва кўплаб фазилатлар аёл аталмиш хилқатга ҳам берилган, Гендер тенгликни ҳамма ҳар хил талқин этади. Аёл ва эркакнинг кучи бир хил, оиладаги ўрни барабар, топар-тутари барабар, деган нотўғри фикрлар ҳам йўқ эмас. Аслида гендер тенглик деганда ҳақ-ҳуқуқларнинг жамиятдаги ўрни тенглиги кабилар назарда тутилади. Инсоннинг фитратига қараб эмас, унинг хатти-ҳаракатлари, ўзини ҳаётда қандай роль бажариши билан баҳо берилади. Мисол учун, ўғил бола туғилса онада ўғил бола сутининг куч миқдори қиз бола туққан она сутига қараганда икки барабар кўп ва кучли бўлади, демак, эркак жисмонан бақувват бўлиши унинг фитратига бўлса-да эркакнинг ҳақ-ҳуқуқи аёлникига қараганда икки марта кўп ёки икки марта кучли деганимас.

Хулоса қилганда, ислом дини барча инсонларни илм олишга даъват қилади. Чунки ислом илм динидур. Илм олишда аёлларнинг ҳуқуқлари эркакларники билан тенглаштирилган. Ислом таълимотида аёллар ҳам илм олишга, ижтимоий ҳаётда фаол фуқаро сифатида фаолият юритишига руҳсат берилган. Шунингдек, гендер тенглиги Ўзбекистондаги барча аёл-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги, қолаверса. бошқа соҳаларда ҳам ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўмакчи, зўравонликларнинг олдини олишда кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Т.: “HILOL-NASHR” нашриёти. 2019.
2. <https://azon.uz/content/views/hotin-qizlarning-oliy-talim-olishi-qanchalik> tog'ri
3. Мовардий, Абул Ҳасан. Дунё ва дин одоби. –Т.: “Hilol-Nashr”, 2017.
4. Ҳоний ал-Ҳаж. Солиҳлар гулшани. –Т.: “Hilol-Nashr”. 2021.
5. Фотима Сулаймон қизи. Аёлларга хос масалалар. –Т.: Мовароуннаҳр, 2003.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc)).